№ 01/24-06-2-11
30.04.2022й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Давлат активларини бошқариш агентлиги директори

__________ А. Ортиков
2022 йил "___" апрель

# Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси 2022 йил 15 апрелдаги 1-сон мажлис баённомаси ижросини таъминлаш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| Т/р | Банд рақами | Чора тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **2-илова 11-банд** | Комиссия мажлисларини ўтказиш, унда, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон, 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон фармонлари ҳамда 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросининг бориши бўйича ахборотларини эшитиб бориш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон, 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон фармонлари ҳамда 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сонли қарорида Агентликка юклатилган вазифалар ижроси юзасидан Республика комиссиясига ахборот киритиш. | ҳар чоракда якуни кейинги ойининг 5 санасига қадар | Н.Салохитдинова, марказий аппарат таркибий бўлинма ва идоравий мансуб ташкилотлар, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари<br><br>**Назорат:**<br>**А.Миралиев, Б.Усмонов, Қ.Ҳакимов** |
| 2. | **3-илова 1-банд** | Раҳбарлик лавозимларига малакали хотин-қизларни жалб этишни саралаш ва тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. | Агентлик томонидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юбориш. | 2022 йил 1 июнь | Н.Салохитдинова, Қ.Абдухоликов, У.Газиев<br><br>**Назорат:**<br>**Қ.Ҳакимов** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **3-илова 6-банд** | Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг **камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар** орасидан тайинлаш. | 1. Агентликнинг марказий аппарат таркибий бўлинма ва идоравий мансуб ташкилотлар ҳамда ҳудудий бошқармаларида раҳбарлик (раҳбар ва ўринбосар) лавозимлари таркибини таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил асосида Агентлик тизимида фаолият юритаётган фаол ва ташаббускор хотин-қизлар орасидан раҳбар ўринбосари лавозимига муносиб номзодлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Номзодларни Миллий кадрлар захираси онлайн, психометрик тестларидан ҳамда структуравий интервьюдан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш.<br>4. Раҳбар ўринбосари лавозимига танлаб олинган номзодларни раҳбарлик маҳорати бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитилишини таъминлаш.<br>5. Номзодларни Агентлик марказий аппаратининг бўлинмаларида амалиёт ўташини йўлга қўйиш.<br>6. Раҳбар лавозимига танлаб олинган хотин-қизлар номзодини Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси сўровига асосан киритиб бориш. | 2022 йил 1 июнь<br>2022 йил 1 июль<br>2022 йил август<br>2022 йил сентябрь-октябрь<br>2022 йил октябрь ойидан бошлаб<br>Доимий | Қ.Абдухолиқов, Н.Салохитдинова, Марказий аппарат таркибий бўлинма ва идоравий мансуб тузилма раҳбарлари<br>**Назорат: Қ.Ҳакимов** |
| 1. | **3-илова 7-банд** | Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар кейинги ўринларда давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш. | 1. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг раҳбарлик (раҳбар ва ўринбосар) лавозимлари таркибини таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил асосида раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар мавжуд бўлмаган корхоналарда ушбу лавозимларга хотин-қизларни жалб этиш бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида танловлар эълон қилиш бўйича | 2022 йил июнь<br>2022-июль | О.Маматов, Ж.Насиров, С.Қурбоналиев,<br>**Назорат: А.Миралиев** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | хўжалик жамиятларига мурожаатлар юбориш.<br>3. Танловлар ҳақида кенг жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш.<br>4. Танловларга фаол ҳамда истиқболли хотин- қизларнинг Ягона электрон базасига киритилган номзодларни жалб этиш.<br>5. Танлов натижаларига кўра раҳбарлик лавозимларига танлаб олинган хотин қизларни Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритиш.<br>6. Раҳбарликка муносиб деб топилган хотин-қизларни лавозимга тайинлаш бўйича корхоналар бошқарув органлари (муассис) қарорларини қабул қилиш. | 2022 йил август-сентябрь<br>Доимий<br>танлов якунлангандан кейин 10 кун муддатда<br>Ҳукумат хулосаси олинганидан кейинг 10 кун муддатда | |